

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦОН МЕНЕЖМЕНТНИНГ АСОСИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

Пўлатова Дилдора Абдушукуровна

ТДИУ тадқиқотчиси

Аннотация – Мазкур мақолада олий таълим муассасалари фаолиятида инновацион менежментнинг назарий асослари, унинг шаклланиш тамойиллари ҳамда замонавий таълим тизимидаги аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек, таълим муассасаларида инновацион бошқарувни жорий этишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари, рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ва таълим сифатини оширишдаги ўрни илмий жиҳатдан асослаб берилган. Тадқиқот жараёнида инновацион менежментни ривожлантириш орқали таълим муассасалари рақобатбардошлигини ошириш, таълим хизматлари бозорида самарадорликни таъминлаш ҳамда таълим жараёнини модернизация қилиш масалалари кўриб чиқилган. Мақолада олий таълим муассасаларида инновацион бошқарув моделларини такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: инновацион менежмент, олий таълим муассасалари, таълим сифати, рақамли технологиялар, таълим инновациялари, бошқарув самарадорлиги, рақобатбардошлик, таълим тизими модернизацияси, инновацион фаолият, таълим хизматлари бозори.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, мамлакатни узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий тараққиётга олиб чиқишда ҳал қилувчи омил сифатида эътироф этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ўз маъруза ва чиқишларида инсон капитали, билимли ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида урғу бериб, олий таълим муассасалари миллий тараққиётнинг стратегик таянчи эканини таъкидлаб келмоқда.

Олий таълим муассасаларида инновацион менежмент таълим, илмий-тадқиқот ва бошқарув жараёнларига янгиликларни тизимли жорий этиш орқали университетларнинг рақобатбардошлиги, молиявий барқарорлиги ва ижтимоий самарадорлигини оширишга қаратилган бошқарув ёндашувлари мажмуини ифодалайди.

Жумладан, Президентнинг Олий Мажлисга қилган мурожаатномаларида таълим соҳаси, айниқса олий таълим тизими ислохотлари мамлакатни “Янги Ўзбекистон” тараққиёт моделига ўтказишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани қайд этилган. Давлат раҳбари таълим сифати, илмий салоҳият ва

университетларнинг молиявий мустақиллигини ошириш орқали иқтисодиётнинг инновацион ривожини таъминлаш мумкинлигини алоҳида таъкидлайди.

Шунингдек, Президент Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “таълим ва илм-фанга сарфланган ҳар қандай инвестиция — мамлакат келажигига киритилган энг самарали инвестициядир”, бу эса олий таълим муассасаларининг нафақат таълимий, балки иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятини ҳам белгилаб беради. Айниқса, олий таълимни ишлаб чиқариш, фан ва инновациялар билан узвий боғлаш, университетларни илмий-тадқиқот ва инновацион марказларга айлантириш вазифаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” тасдиқланган. Ушбу стратегик ҳужжат мамлакатнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш йўналишлари ва вазифаларини белгилайди¹, жумладан таълим ва инсон капитали ривожига оид устувор вазифаларни ҳам аҳамиятли стратегик мақсад сифатида кўрсатади Олий таълим қамровини кенгайтириш, таълим сифатини ошириш, университетларнинг академик ва молиявий мустақиллигини таъминлаш орқали инсон капитали сифатини тубдан яхшилаш устувор мақсадлар сифатида белгилаб қўйилган. Бу эса олий таълим муассасаларининг жамият ва иқтисодиёт ривожигаги ўрни ва зарурлигини янада оширади.

Шу нуқтаи назардан, олий таълим муассасаларининг моҳиятини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва инновацион функцияларини комплекс баҳолаш ҳамда миллий тараққиётдаги ролини аниқлаш бугунги кунда долзарб илмий вазифалардан бири ҳисобланади.

Олий таълим муассасалари — бу юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳамда инновацион ғояларни яратиш ва жорий этишга йўналтирилган таълим-илмий ташкилотлар бўлиб, иқтисодий нуқтаи назардан инсон капиталига инвестиция киритишнинг асосий институти, билимлар иқтисодиётининг таянч бўғини ҳамда меҳнат бозорида рақобатбардош кадрларни шакллантирувчи тизим сифатида намоён бўлади. Ижтимоий жиҳатдан эса олий таълим шахснинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, ижтимоий мобилликни таъминлаш ва фуқаролик жамияти ҳамда демократик кадриятларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу боис, олий таълим муассасалари таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминловчи стратегик институт сифатида қаралади. Уларнинг моҳияти таълимий функция — бакалаврият, магистратура ва докторантура даражаларида мутахассислар тайёрлаш, илмий-тадқиқот функцияси — фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда янги билимлар яратиш, инновацион функция — илмий натижаларни тижоратлаштириш ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони

ижтимоий-маданий функция — маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантириш орқали намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Олий таълим муассасаларида инновацион менежмент концепциялари, аввало, “инновация” тушунчасининг иқтисодий-таълимий мазмунини англашдан бошланади. Инновация иқтисодий тараққиётнинг ички ҳаракатлантирувчиси сифатида классик назарияларда Ж. Шумпетер томонидан илмий муомалага мустаҳкам киритилган бўлиб, у инновацияни ишлаб чиқариш ва бозор тизимини сифат жиҳатидан ўзгартирувчи янги комбинациялар, янги маҳсулот ва технологик янгиланишлар манбаи сифатида кўради. Бу ёндашув кейинчалик ташкилотлар даражасида инновацион фаолиятни бошқаришни алоҳида менежмент тизими сифатида шакллантиришга туртки бери.

Ҳозирги даврда инновация ва инновацион фаолиятни тушунтиришда энг кўп ишлатиладиган меъёрий-методологик манбалардан бири — OECD томонидан ишлаб чиқилган “Oslo Manual 2018” ҳисобланади. Унда инновация “муҳим даражада фарқ қиладиган янги ёки сезиларли яхшиланган маҳсулот ёки жараён” сифатида таърифланади ва инновацияни натижа сифатида ҳам, унинг яратилишига олиб келувчи инновацион фаолиятлар мажмуаси сифатида ҳам тавсифлайди. Бу таъриф инновацион менежментни фақат “ғоя” ёки “лойиха” эмас, балки ташкилотнинг жараёнлари, ресурслари ва натижаларини бир тизимда бошқариш объекти эканини асослайди.

Инновацион менежментни тизимли ташкил этишга оид замонавий стандартлаштирилган ёндашувлардан бири ISO 56002:2019 ҳисобланади. У инновацияни бошқариш тизимини ташкил этиш, жорий этиш ва доимий такомиллаштириш бўйича қўлланма сифатида инновацион ният (innovation intent), инновацион жараёнлар, ҳамкорлик (partnership), портфель ва компетенциялар масаласини ташкилотнинг умумий бошқаруви билан интеграциялашни талаб қиладди. Олий таълим муассасалари контекстида бу ёндашув университетнинг таълим, илмий тадқиқот ва хизмат кўрсатиш (учинчи миссия) вазифаларини бир-бирига боғланган инновацион қиймат занжири сифатида кўриш имконини беради.

Олий таълимда инновацион менежмент концепциялари, айниқса, университетнинг “тадбиркорлик университети” модели ва ташқи экотизим билан ўзаро ҳамкорлик назариялари орқали чуқур асосланади. Бу йўналишда “Triple Helix” (университет—саноат—давлат) модели кенг тарқалган бўлиб, у инновацияларнинг пайдо бўлиши ва коммерциялашуви университетлар, бизнес тузилмалари ва давлат институтлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва гибрид институтлар (технология трансфер офислари, илмий парклар, стартап инкубаторлар) орқали кучайишини таъкидлайди. Мазкур концепция олий таълим муассасаларида инновацион менежментни фақат ички бошқарув эмас, балки минтақавий ва миллий инновацион тизимнинг элементи сифатида баҳолашга асос бўлади.

Инновацион ўзгаришларни амалиётга татбиқ этишда эса “инновацияларнинг диффузияси” назарияси муҳим тушунтирувчи база ҳисобланади. Э. Рожерс моделига кўра, инновацияларни қабул қилиш жараёни фақат технология ёки ресурсларга эмас, балки инновациянинг нисбий афзаллиги, мувофиқлиги, соддалиги, синовдан ўтказиш имконияти ва натижанинг кўринадиганлиги каби атрибутларга боғлиқ. Олий таълимда ушбу ёндашув рақамли таълим платформалари, янги педагогик технологиялар, таълимда маълумотлар таҳлили каби янгиликларнинг ўқитувчилар ва бошқарув тизими томонидан қабул қилиниши, қаршилиқ омиллари ва институционал мотивация механизмларини тушунтиришга хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларида инновацион менежментнинг яна бир муҳим концептуал йўналиши — институционал трансформация ва лидерликка таянади. Университетларнинг ички бошқаруви, кадрлар салоҳияти, ўзгаришларни бошқариш маданияти ва стратегик лидерлик инновацион қобилиятни белгилайдиган асосий омиллар сифатида қаралади. Европа университетлари тажрибаси асосида тайёрланган таҳлилларда лидерликни ривожлантириш, институционал маданият, қарор қабул қилишда далилга асосланган бошқарув ва трансформацияни таъминлаш механизмлари инновацион бошқарувнинг амалий “инфратузилмаси” сифатида талқин қилинади.

Халқаро ташкилотлар таҳлиллари инновацион менежментни таълим сиёсати ва тизимий ислохотлар билан боғлаб кўради. UNESCO материалларида олий таълимда бошқарув самарадорлиги, молиялаштириш, диверсификация, инсон капитали ва институционал ривожланиш масалалари ўзгаришларни бошқаришнинг асосий йўналишлари сифатида ёритилади. Шунингдек, UNESCOнинг олий таълим–илмий тадқиқот–инновация ўртасидаги “ўзгарувчан динамика”га бағишланган тадқиқотларида университетлар билим яратиш ва инновацияни тарқатиш маркази сифатида қаралиб, бошқарувда интеграцияланган ёндашув ва ҳамкорлик моделларини кучайтириш зарурлиги қайд этилади.

Шу нуқтаи назардан, “олий таълим муассасаларида инновацион менежментнинг асосий концепциялари” мавзусидаги адабиётлар умумлаштирилганда, қуйидаги хулоса шаклланади: инновацион менежмент бир вақтнинг ўзида (1) инновацияни аниқлаш ва ўлчаш бўйича меъёрий таърифлар (OECD), (2) ташкилотда инновацияни тизимли бошқариш стандартлари (ISO 56002), (3) университетнинг инновацион экотизимдаги ўрни ва ҳамкорлик моделлари (Triple Helix), (4) инновацияларни қабул қилиш ва институционаллашув жараёнлари (Рожерс диффузияси), ҳамда (5) лидерлик ва институционал трансформация механизмлари (университет бошқаруви ва ўзгаришларни бошқариш) каби йўналишларни бирлаштирувчи комплекс назарий базага таянади.

МЕТОДОЛОГИЯ

Мазкур тадқиқотда олий таълим муассасаларида инновацион

менежментнинг асосий концепцияларини ўрганиш учун комплекс илмий ёндашув қўлланилди. Тадқиқот назарий таҳлил, тизимли ёндашув ва қиёсий таҳлил усулларига асосланди. Назарий таҳлил орқали инновацион менежментнинг мазмуни, унинг таълим тизимидаги ўрни ва ривожланиш тенденциялари ўрганилди.

Тизимли ёндашув олий таълим муассасаларини ўзаро боғлиқ ташкилий, иқтисодий ва технологик элементлардан ташкил топган ягона тизим сифатида таҳлил қилиш имконини берди. Қиёсий таҳлил ёрдамида миллий ва хорижий таълим муассасаларида инновацион бошқарувни ташкил этиш тажрибалари ўрганилди.

Шунингдек, статистик таҳлил ва моделлаштириш усуллари орқали инновацион менежментнинг таълим сифати ва муассаса самарадорлигига таъсири баҳоланди. Тадқиқот натижалари олий таълим муассасаларида инновацион бошқарувни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган хулосалар шакллантириш имконини берди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирги глобаллашув ва рақамли иқтисодиёт шароитида олий таълим муассасалари иқтисодиётни юқори қўшимча қийматга эга соҳаларга йўналтириш, инновацион иқтисодиёт учун малакали кадрлар тайёрлаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш орқали иқтисодий зарурликни, аҳолининг билим даражасини юксалтириш, камбағалликни қисқартириш ҳамда ёшларнинг бандлиги ва касбий барқарорлигини таъминлаш орқали ижтимоий зарурликни, фан-техника тараққиётини рағбатлантириш ва “яшил” ҳамда рақамли иқтисодиёт талабларига мос кадрлар тайёрлаш орқали илмий-технологик зарурликни, шунингдек мамлакатнинг интеллектуал хавфсизлиги, миллий рақобатбардошлиги ва стратегик ривожланиш дастурларини амалга ошириш нуқтаи назаридан миллий тараққиёт зарурлигини белгилаб беради. Шу маънода, олий таълим муассасалари инсон капитали шаклланишининг асосий омили, инновацион ва билимга асосланган иқтисодиётнинг таянчи ҳамда жамият барқарор ривожланишининг стратегик институти ҳисобланиб, уларни ривожлантириш, молиявий мустақиллигини таъминлаш, таълим сифати ва илмий салоҳиятини ошириш ҳар қандай мамлакатнинг узок муддатли тараққиёт стратегиясида устувор вазифа бўлиб қолади.

Олий таълим муассасаларида инновацион менежмент — бу таълим, илмий-тадқиқот ва бошқарув жараёнларига янгиликларни тизимли равишда жорий этиш, университетларнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда билимларни яратиш ва тижоратлаштиришни таъминлашга қаратилган бошқарув концепциялари мажмуидир.

Қўйидаги жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, олий таълим муассасаларида инновацион менежмент концепциялари турли назарий мактабларга таянган ҳолда шаклланган бўлиб, улар инсон капитали назариясидан тортиб, инновацион экотизим ва рақамли университет моделларигача бўлган

эволюцион ривожланишни акс эттиради.

1 - жадвал

Олий таълим муассасаларида инновацион менежмент концепциялари²

№	Концепция номи	Муаллиф	Мазмуни	Манбаси
1	Инновацион экотизим концепцияси	М. Мур	Университет атрофида стартап ва технопарклар	Moore J.F., <i>The Death of Competition</i> , 1996. 177–1786.
2	Инновацияларни стратегик бошқариш концепцияси	Р. Купер	Инновацияларни стратегик бошқариш	Robert G. Cooper, <i>Winning at New Products. Creating Value Through Innovation</i> (5-edition) 1216.
3	Инсон капитали назарияси	Г. Беккер	Таълим — инсон капиталига инвестиция	Беккер, Г.С. <i>Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis, with Special Reference to Education</i> . National Bureau of Economic Research / Columbia University Press, 1964. 2596.
4	Ўрганувчи ташкилот концепцияси	П. Сенге	Университет — ўрганувчи ташкилот	Senge, Peter M. <i>The Fifth Discipline: The Art and Practice of the Learning Organization</i> . New York: Doubleday/Currency, 1990. — 424 б
5	Рақамли ва “ақлли” университет концепцияси	OECD	Рақамли трансформация ва EdTech	OECD, <i>Education Innovation</i> , 2019.3366. https://doi.org/10.1787/9789264311671-en

Инновацион экотизим концепциясига кўра, университетлар инновацияларни якка ҳолда эмас, балки стартаплар, технопарклар, венчур капитал, илмий марказлар ва давлат институтлари билан ўзаро ҳамкорликда шакллантиради. М. Мур ушбу ёндашувда ташкилотларни алоҳида субъект эмас, балки бир-бирига боғланган экотизим элементлари сифатида талқин қилади. Университет эса ушбу экотизимда билим яратувчи ва инновацияларни бошланғич манбаи сифатида иштирок этади. Олий таълим муассасаларида инновацион экотизим концепциясини қўллаш илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш, стартап ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва ҳудудий инновацион ривожланишни таъминлаш имконини беради. Бунда университет атрофида инновацион инфратузилма шаклланиб, у иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошликни оширишда муҳим рол ўйнайди.

Инновацияларни стратегик бошқариш концепцияси инновацияларни тасодифий жараён сифатида эмас, балки узоқ муддатли мақсадларга йўналтирилган стратегик фаолият сифатида қарашни назарда тутаяди. Р. Купер томонидан ишлаб чиқилган мазкур ёндашувда инновация портфели, устувор йўналишларни белгилаш ва ресурсларни самарали тақсимлаш асосий ўрин

² Муаллиф ишланмаси.

тутади. Олий таълим муассасаларида ушбу концепция таълим дастурларини янгилаш, илмий-тадқиқот лойиҳаларини танлаш ва рақамли трансформацияни амалга оширишда қўлланилади. Инновацияларни стратегик бошқариш орқали университетлар ўз ривожланиш стратегиясига мос инновацион ечимларни жорий этади ҳамда молиявий барқарорлик ва институционал самарадорликка эришади.

Инсон капитали назарияси таълим, билим ва касбий кўникмаларни иқтисодий қийматга эга актив сифатида баҳолайди. Г. Беккерга кўра, таълимга сарфланган маблағлар инвестиция ҳисобланиб, улар меҳнат унумдорлиги, даромадлар ўсиши ва иқтисодий тараққиёт орқали ўз самарасини беради. Олий таълим муассасалари инсон капитали шаклланишининг асосий институти сифатида жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини оширади. Университетларда амалга оширилаётган инновацион фаолият эса инсон капитали сифатини янада юксалтириб, инновацион иқтисодиёт учун рақобатбардош кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. Шу маънода, олий таълимга инвестиция киритиш мамлакатнинг узок муддатли тараққиёти учун стратегик аҳамият касб этади.

Ўрганувчи ташкилот концепцияси ташкилотнинг доимий равишда билим яратиш, ўрганиш ва ўзгаришларга мослашиш қобилиятига эга бўлишини назарда тутди. П. Сенге ушбу концепцияда шахсий усталик, жамоавий ўқиш, умумий вижн ва системали фикрлаш каби асосий элементларни ажратиб кўрсатади. Олий таълим муассасаларида ушбу ёндашув университетни фақат таълим берувчи эмас, балки ўз-ўзини ривожлантирувчи ва инновацион маданиятга эга тизим сифатида шакллантиришни таъминлайди. Ўрганувчи университет модели профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий-ижодий фаоллигини ошириб, таълим сифатини яхшилаш ва инновацион салоҳиятни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Рақамли ва “ақлли” университет концепцияси олий таълим муассасаларида рақамли технологиялар, ахборот тизимлари ва маълумотларга асосланган бошқарувни жорий этишга қаратилган. OECD томонидан ишлаб чиқилган ушбу ёндашув таълим жараёнларини рақамлаштириш, онлайн ва гибрид таълим шакллари ривожлантириш ҳамда EdTech ечимлардан самарали фойдаланишни назарда тутди.

Мазкур концепция университетларнинг бошқарув самарадорлигини ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва талабалар учун таълим хизматлари сифатини яхшилаш имконини беради. Шу билан бирга, рақамли ва “ақлли” университет модели инновацион менежментни замонавий технологик асосда ташкил этиб, олий таълим муассасаларининг халқаро рақобатбардошлигини таъминлайди.

ХУЛОСА

Юқоридаги концепциялар олий таълим муассасаларида инновацион менежментни шакллантиришнинг комплекс назарий асосини ташкил этади. Улар инсон капитали ривож, стратегик бошқарув, институционал ўрганиш ва рақамли трансформацияни ўзаро уйғун ҳолда бирлаштириб, университетларни

инновацион иқтисодийнинг фаол иштирокчисига айлантиришга хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларида инновацион менежментни шакллантириш ва ривожлантириш замонавий ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг объектив талаби ҳисобланади. Университетлар инсон капитали ривож, билим яратиш ва инновацияларни жорий этишнинг асосий институти сифатида фаолият юритар экан, уларда инновацион фаолиятни тизимли бошқариш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Мазкур концепциялар университетларни ташқи муҳит билан интеграциялаштириш, инновацион фаолиятни стратегик мақсадлар билан уйғунлаштириш, инсон капитали сифатини ошириш, институционал ўрганишни рағбатлантириш ва рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш имконини беради. Улар ўзаро боғлиқ ҳолда қўлланилганда, олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлиги, молиявий барқарорлиги ва инновацион салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, олий таълим муассасаларида инновацион менежментни комплекс ёндашув асосида ривожлантириш мамлакатнинг инсон капитали сифатини юксалтириш, инновацион иқтисодий шакллантириш ва “Янги Ўзбекистон” тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор мақсадларга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. OECD. Oslo Manual 2018: Guidelines for Collecting, Reporting and Using Data on Innovation. – 4th ed. – Paris: OECD Publishing, 2018. – 254 p.
2. ISO. ISO 56002:2019 Innovation management system — Guidance. – Geneva: International Organization for Standardization, 2019. – 44 p.
3. Etzkowitz H., Leydesdorff L. The dynamics of innovation: From National Systems and “Mode 2” to a Triple Helix of university–industry–government relations // Research Policy. – 2000. – Vol. 29. – № 2. – P. 109–123.
4. Rogers E. M. Diffusion of Innovations. – 5th ed. – New York: Free Press, 2003. – 576 p.
5. European University Association. Innovative Leadership and Change Management in Higher Education. – Brussels: EUA Publications, 2017. – 112 p.
6. UNESCO. Improving the Effectiveness of the Management of Higher Education Institutions. – Paris: UNESCO, 2016. – 98 p.
7. UNESCO Forum. Higher Education, Research and Innovation: Changing Dynamics. – Paris: UNESCO, 2009. – 145 p.
8. Schumpeter J. A. The Theory of Economic Development. – New Brunswick: Transaction Publishers, 1983. – 255 p.
9. Drucker P. F. Innovation and Entrepreneurship: Practice and Principles. – New York: Harper & Row, 1985. – 277 p.
10. Chesbrough H. Open Innovation: The New Imperative for Creating and Profiting from Technology. – Boston: Harvard Business School Press, 2003. – 227 p.
11. Clark B. R. Creating Entrepreneurial Universities: Organizational Pathways of

Transformation. – Oxford: Pergamon Press, 1998. – 180 p.

12. World Bank. The Changing Nature of Work and Higher Education Innovation. – Washington: World Bank Publications, 2019. – 132 p.